ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*
*УДК: 978-9943-13-360*

**Мустафоев Акбар Мустафо ўғли**

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Мутахассислик: 5А230901– «Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар ва соҳалар бўйича)**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**Д И С С Е Р Т А Ц И Я**

**Илмий раҳбар: проф, и.ф.д Холбеков Р.О.**

**Тошкент- 2021**

Мазкур магистрлик диссертация ишида тижоат банклари бухгалтерия ҳисоби ва уни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарт асосида такомиллаштиришга бўйича илмий таклиф ҳамда акциядор тижорат банкларида фойдаланиш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилган

In this master's dissertation work developed a scientific proposal for improvement of commercial banks on the basis of international standard accounting and financial reporting, as well as practical recommendations for j stock commercial banks.

Магистрлик диссертация иши "Бухгалтерия ҳисоби" кафедра дастлабки ҳимоядан ўтган:

«_____» - сонли баённома «_____» ______________ 2021 йил.

Илмий раҳбар: проф, и.ф.д. Холбеков.Р ___________ ___________
имзо сана

Магистр: Мустафоев.А.М ___________ 30. 06. 2021
имзо сана

**"Ҳимояга тавсия этилади"**
"Бухгалтерия ҳисоби " кафедраси
мудири, доц. Абдусаломова Н.Б.
______________
"28" июнь 2021 йил

Ҳимоя 2021 йил "30" июнь соат 12-00 да Тошкент давлат иқтисод университетида бўлиб ўтади.

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ** ........................................................................................ **4**

**Тижорат банкларда бухгалтерия хисобини ташкилнинг назарий-хукуқий асослари**......................................................... **8**

Тижорат банкларда бухгалтерия хисобини ташкил қилиш асослари………………………………………………………. 8

Тижорат банклар бухгалтерия аппаратининг тузилиши 22

Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг счёт режалари ва уларнинг тавсифи…………………………………………… 36

Биринчи боб бўйича хулоса…………………………………………… 57

**Тижорат банкларида бухгалтери хисобнинг молиявий хисобнинг халқаро стандарти бўйича ташкил этилиши**.............................................................................. **58**

Тижорат банкларда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш……………………………………………….. 58

МҲХСни тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларини тузишда қўллаш тартиби………………. 69

Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларнинг таркиби бўйича халқаро ва миллий стандартлар ўртасидаги боғлиқлик…………….. 78

Иккинчи боб бўйича хулоса........................................................ 78

**Тижорат банкларида аудит ўтказишнинг назарий-хуқуқий асослари.Банкларида аудит утказишни такомиллаштириш…** **80**

Тижорат Банкларда ички ва ташқи аудит ўтказишининг хуқуқий ва ташкилий асослари……………………………………………… 80

Банк тизимида аудиторлик текширувларини ўтказишни такомиллаштиришнинг умумий йўналишлари………………………. 82

Учинчи боб бўйича хулоса………………………………………….. 86

**ХУЛОСА**......................................................................... 87

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**.................................. 89

## Кириш

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.**

2020 йилда Марказий банк томонидан банк қонунчилигида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Президентининг банк тизими фаолиятига доир фармонлари ва қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, нархлар, банк ва тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш ҳамда Марказий банк фаолиятини ва банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга ошириб борилди. Хусусан, ҳисобот йилида ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш давом эттирилиб, бу борада асосий эътибор банк тизимидаги ликвидликни самарали тартибга солиш, нархлар даражаси шаклланишига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири бўлган иқтисодиётни кредитлаш ҳажмининг ўсиш суръатини мувозанатлаштириш ҳамда кенг қамровли коммуникацион сиёсат олиб бориш орқали иқтисодиётдаги инфляцион босим ва кутилмаларни пасайтиришга қаратилди.[1]

Хусусан, тадбирда таъкидланганидек, банк тизимидаги молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги таъминланди, корпоратив бошқарувнинг энг тўғри ва ишончли иқтисодий ечимини қабул қилиш жараёни соддалаштирилди, молиявий ҳисоботларнинг тегишли стандартларига асосланган ҳолда энг тўғри қарор қабул қилиш имкониятлари вужудга келди, шунингдек, тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари нуфузли хорижий аудит компаниялари томонидан ташқи аудитдан ўтказилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ушбу ислоҳотлар самараси ўларок, юртимиз банклари учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва уни иқтисодиёт тармоқларига йўналтириш имкониятлари кенгаймоқда, Марказий банк учун эса, самарали монетар сиёсатни амалга ошириш ва банклар устидан назорат олиб боришда қулай шарт-шароит яратмоқда.

---

[1] Ш.Мирзиёев Асосий вазифамиз- ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. “Халқ сўзи” 2020йил 30 январь №30(5896)